

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

ҲУКМ

2023 йил июль ойининг 26 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи – судья Ш.Юлдашев, судья ёрдамчиси Қ.Қодирбергановнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси – Сирғали туман прокурори катта ёрдамчиси Н.Рустамов, судланувчи Б.К. ва унинг ҳимоячиси – адвокат С.Улмасов, жабрланувчилар М.А. ва А.М.нинг иштирокида К.Б.Р.га нисбатан 1- [REDACTED])-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

К.Б.Р. (К.Б.Р.), 12.05.1995 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, бир нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, ишсиз, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 2022 йил 22 ноябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2022 йил 16 декабрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган;

3) жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман судининг 2023 йил 24 мартдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 1 йил 9 ой 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

4) жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2023 йил 31 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 62-моддасига асосан 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

5) жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 10.07.2023 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазо ўтаётган,

Тошкент шаҳар, [REDACTED]

[REDACTED]-уйда яшовчи, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2023 йил 3 майдаги ажримига асосан қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни



АНИҚЛАДИ:

Б.К. алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида 2022 йил 19 август Яккасарой тумани, Қушбеги мавзесида жойлашган “Макро” савдо мажмуасининг олдида бўла туриб, шу ерда бўлган А.М.га тегишли бўлган “Iphone 12 Pro Max” русумидаги телефон аппаратини 900 АҚШ долларига сотиб олишини айтиб, дастлабки тўлов тариқасида 100 АҚШ доллари бериб, қолган 800 АҚШ долларини икки кун ичида, яъни 2022 йил 21 август куни тўлиқ тўлов қилишини ваъда қилган ҳолда телефон аппаратини алдаш йўли билан қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармасдан, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган телефон аппаратини номаълум шахсга сотиб юбориб, А.М.га 800 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 19.08.2022 йилдаги маълумотиغا кўра, 1 АҚШ доллари 10.934,97 сўмни, 800 АҚШ доллари 6.565.338,5 сўмни ташкил қилган) 8.747.976 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Бундан ташқари у, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2023 йил 25 январь куни Сирғали тумани, “Қўйлик” мавзесида жойлашган “Shodiyona” тўйхонасининг олдида бўла туриб, шу ерда бўлган М.А.га тегишли бўлган ва у томонидан эълон орқали сотувга қўйилган “Iphone-13pro” русумли телефон аппаратини 900 АҚШ долларига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2023 йил 25 январь кунидаги сўмга нисбатан валюта қиймати 11270.68 тийинни ташкил этиб, 900 АҚШ доллари 10.143.612 сўмни ташкил этган) сотиб олишга келишиб, пулларни 2023 йил 27 январь куни тўлаб беришга ваъда бериб, тилхат асосида телефон аппаратини ўзи билан олиб кетган ва бошқа шахсга сотиб юбориб, қўлга киритган пулларни шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Суд мажлисида судланувчи Б.К. айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ўз кўрсатувларида барча эпизодлардаги айбларини тан олишини, илгари бир неча марта ЖКнинг 168-моддаси билан жавобгарликка тортилиб, охирига марта жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди томонидан ЖКнинг 168-моддаси билан судланганлигини, ҳақиқатан ҳам А.М.га тегишли бўлган “Iphone 12 Pro Max” русумидаги телефон аппаратини 900 АҚШ долларига сотиб олишини айтиб, дастлабки тўлов тариқасида 100 АҚШ доллари бериб, қолган 800 АҚШ долларини икки кун ичида тўлиқ тўлов қилишини ваъда қилган ҳолда телефон аппаратини алдаш йўли билан қўлга киритиб, телефон аппаратини номаълум шахсга сотиб юборганлигини, пулларни эса ишлатиб юборганлигини, шунингдек М.А. томонидан эълон орқали сотувга қўйилган “Iphone-13pro” русумли телефон аппаратини 900 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, пулларни 2023 йил 27 январь куни тўлаб беришга ваъда бериб, тилхат асосида телефон аппаратини ўзи билан олиб кетганлигини ва бошқа шахсга сотиб юбориб, қўлга киритган пулларни шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборганлигини тан олишини, ҳозирда жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаб беришга имкони йўқлигини билдириб, қилмишларидан пушаймон бўлиб, унинг ёшини ва оилавий аҳволини инобатга олиб, суддан унга енгилроқ жазо тайинлашни сўраб, кўрсатув берди.



Суд мажлисида жабрланувчи А.М. ўз кўрсатувларида 2022 йил 1 август куни ўзига тегишли бўлган “Iphone 12 Pro Max” русумидаги телефон аппаратини сотиш мақсадида “OLX” сайтига 900 АҚШ доллари нархида сотишини ёзиб, мурожаат учун ўзининг телефон рақамини ёзиб қўйганлигини, 19 август куни унга Каримов Бекзод қўнғироқ қилиб, телефон аппаратини 900 АҚШ долларига сотиб олмоқчи эканлигини, ойлик маошини бир неча кунда олишини, икки кун муддат ичида тўловни амалга оширишни иложи бор ёки йўқлигини сўраганлигини, у рози бўлганлигини, кейин улар Яккасарой тумани, Қушбеги мавзесидаги “Макро” савдо мажмуаси олдида кўришиб гаплашганларида Б.К. унга 100 АҚШ доллари бериб, қолган 800 АҚШ долларини 2 кун ичида ойлик маоши олиши билан беришини, ўзи тиш шифокор эканлигини, уни алдаб кетмаслигини айтиб ишонтирганлигини ва унга паспорт нусхасини орқасига ундан телефон аппаратини 900 АҚШ долларига сотиб олганини, шундан 100 АҚШ долларини ҳозирда берганини, қолган 800 АҚШ долларини 2 кун ичида тўловини амалга ошириши мазмунидаги тилхатни ёзиб берганлигини ва тилхатни унга бериб, телефон аппаратини олиб кетганлигини, лекин Б.К. уни турли хил баҳоналар қилиб алдаб юрганлигини ва пулларни ҳам бермаганлигини баён қилиб, судланувчидан унга етказилган 800 АҚШ доллари миқдоридаги зарарни ундириб беришни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи М.А. ўз кўрсатувларида 2023 йил бошларида ўзига тегишли бўлган “Iphone-13pro” русумли телефон аппаратини “OLX” сайтига сотувга 900 АҚШ долларига баҳолаб қўйганлигини, эълонга кўра, унга ўзини Б.К. деб таништирган бола қўнғироқ қилиб, у билан Сирғали тумани, Қўйлиқ мавзеси “Шодиёна” тўйхонаси олдида 25 январь куни кўришганлигини, Б.К. телефон аппаратини кўриб, 900 АҚШ долларига сотиб олишга рози бўлганлигини, унга телефон аппаратининг каробка қутисини ҳам кўрсатганлигини, ўша вақтда Б.К. унга ёнида пули йўқлигини ва агар рози бўлса икки кундан сўнг пулини олиб келиб беришини айтиб, унга паспорт нусхасининг орқа томонига тилхат ёзиб берганлигини, тилхатда ундан телефон аппаратини сотиб олаётгани ва пулини 2 кун ўтиб, 27 январь куни беришини ёзганлигини, унга пулини бермаганлиги учун унга телефон аппаратининг қутисини бермаганлигини, қачон пулини берса ўшанда бераман деб айтганлигини, лекин Б.К. берган ваъдасини бажармасдан, уни алдаб кетиб, шу кунга қадар пулини қайтариб бермаганлигини баён қилиб, судланувчидан унга етказилган 900 АҚШ доллари миқдоридаги зарарни ундириб беришни сўраб, кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари судланувчи Б.К.нинг айби жабрланувчиларнинг аризаси, тушунтириш хатлари, дастлабки тергов ва судда берган кўрсатувлари, судланувчининг кўрсатувлари, тилхатлар, нарсани олиш ва нарсани кўздан кечириш баённомалари, кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, юзлаштириш ва сўроқ баённомалари ҳамда жиноят иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ тасдиғини топди.



Суд, дастлабки тергов органи томонидан Б.К.нинг жабрланувчилар билан боғлиқ ҳар иккала эпизоддаги айби фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан хавфли рецидивист томонидан ўзганинг мулкани такроран қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-4-бандларида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 26-бандида “ЖК 168-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашни истисно этади, шу сабабли, зарар тўлиқ қопланмаган ҳолларда судлар айбдорга нисбатан озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг мақсадга мувофиқ-мувофиқ эмаслиги масаласини муҳокама қилишлари шарт”, деб белгиланган.

Шуларга кўра, суд, судланувчи Б.К.га жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятларни ғараз ва паст ниятларда содир этганини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, унинг ёшини ва оилавий шароитини ЖКнинг 55-моддасига кўра жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, унинг шахсини, ижтимоий хавфлилигини, жиноят қилиш шароити ва сабабларини инобатга олиб, ЖК 168-моддаси бешинчи қисми талабларидан келиб чиққан ҳолда унга айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 10.07.2023 йилги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмаган қисмига қисман қўшиш йўли билан узил-кесил тайинлашни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмида муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилгани, бироқ судланувчи жиноятни мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолда содир этгани учун унга ЖКнинг 57-моддаси 2-қисмини қўллаган ҳолда айбли деб топилаётган моддада қўлланилиши шарт деб кўрсатилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинламасликни лозим топади.

Суд, жиноятлар оқибатида етказилган зарарни қоплаш масаласини муҳокама қилиб, судланувчи Б.К. томонидан жабрланувчи М.А.га 900 АҚШ доллари ҳамда жабрланувчи А.М.га 800 АҚШ доллари миқдоридан зарар



етказганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотиغا кўра, 2023 йил 26 июль куни 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 11624 сўм 92 тийинга тенглигидан келиб чиқиб, Б.К.дан жабрланувчи М.А.га 10.462.428 сўм ва А.М.га 9.299.936 сўм миқдорда зарар ундиришни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган тилхат нусхалари ва DVD-дискни жиноят иши ҳужжатларида қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

К.Б.Р. (К.Б.Р.) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Б.К.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси 2-қисмини қўллаган ҳолда 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Б.К.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 10.07.2023 йилги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил 5 (беш) йил 3 (уч) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазо ўташ муддати 2023 йил 7 апрелдан бошлаб ҳисоблансин.

Б.К.га нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Б.К.дан жабрланувчи М.А.га 10.462.428 сўм, А.М.га 9.299.936 сўм миқдорда зарар ундирилсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган тилхат нусхалари ва DVD-диск жиноят иши ҳужжатларида қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Ш.Юлдашев

Аслига тўғри:

